


Термиз туманида "Соғлом ҳаёт учун 5 минг қадамдан 10 минг қадамга" пиёда юриш марафони бўлиб ўтди



Давлатимиз раҳбарининг 2021-йил 5-ноябрдаги “Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва “workout” спорт турларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Термиз туманида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бугун тумандаги ташаббускор ёшлар, аҳолиси вакиллари ва фахрийлар иштирокида “Барча рекордлар бизниги” шиори остида 5 минг қадамдан 10 минг қадам скандинавча юриш марафони ўtkазилди.

Туманинг “Янгиҳаёт” маҳалласи “Ат-Термизий” кўчасидан старт олган марафонда иштирокчилар 10 минг қадамга скандинавча юришда финиш чизиғига етиб келишди.

Мазкур спорт тадбирида тумандаги ташкилот ва корхона ходимлари ҳамда кенг аҳоли вакиллари фаол иштирок этишди

Шунингдек, иштирокчилар тумандаги 12-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби стадионида эрталабки бадантарбия машқларини ҳам бажаришди.

Аҳолининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва саломатликлари тиклаш мақсадида бу каби спорт машғулотларининг мунтазам ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади.